




YOSHILAR OVOZI



Иновацион ривожланиш вазирилик
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда
инновацион, илмий-тадқиқот, тажриба-
конструкторлик ҳамда стартап лойиҳалари
учун танлов эълон қилди. Энг сара ишлар
муаллифларини жами 50 миллиард сўмлик
мукофот жамғармаси кутмоқда.



Москва, Астрахань ва Волгоград
шаҳарларида III Россия – Ўзбекистон
ёшлар форуми бўлиб ўтмоқда.
Унда юртимиздан 30 нафар делегат
иштирок этяпти.



Бугун Анджион шаҳрида Ёшлар маркази
фойдаланишга топширилади. Янги
бинода семинар ва конференциялар
заллари, кутубхона, "Yosh tadbirkorlar"
коворкинг-маркази ҳамда 40 дан ортиқ
тўғарак хонаси жойлашган.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FRANCIYA RESPUBLIKASIGA RASMIY TASHRIFIGA DOIR

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси
Президенти Эммануэль Макроннинг такли-
фига биноан жорий йил 8-9 октябрь кунлари
расмий ташриф билан Францияда бўлади.

Ташриф давомида давлат раҳбарлари
ўртасида музокаралар, Франция парламен-
ти раҳбарияти, етакчи компаниялари ва
молия институтлари вакиллари билан уч-
рашувлар ўтказиш режалаштирилган.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Фран-
ция музокаралари кун тартибидан сиёсий
мулоқотни янада ривожлантириш, савдо-
иқтисодий ва молиявий соҳалардаги
амалий ҳамкорликни кенгайтириш, турли
тармоқларда инвестиция лойиҳаларини
биргаликда амалга ошириш, шунингдек,
маданий-гуманитар алмашувларни фаол-
лаштириш масалалари ўрин олган.

Учрашув ва музокаралар якунида
10 дан ортиқ ҳукуматлараро ва идораларо,
жумладан, иқтисодиёт ва молия, транс-
порт, туризм, экология, маданият ва санъат
соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги
битимлар, ташқи сиёсат маҳкамалари ўрта-
сидаги ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳуж-
жатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари
БМТнинг Таълим, фан ва маданият
масалалари бўйича ташкилоти Бош дирек-
тори Одри Азуле билан учрашади. Унда
Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги
шерикликни кенгайтириш истикболла-
ри муҳокама этилади ҳамда 2018 – 2021
йилларга мўлжалланган қўшма Ҳаракат-
лар режаси қабул қилинади.

Ў.А.

IMKONIYAT

Тайёр тулинг, новаторлар!

Мамлакат эртаси учун хиз-
мат қила оладиган, интел-
лектуал салоҳияти юқори ва
инновацион фикрлайдиган
ёшларни юзга чиқариш, ил-
мий ишланмаларини ҳаётга
таتبик этишда қўмаклашиш
биз учун принципиал муҳим
масала саналади. Ўзбеки-
стон ёшлар иттифоқи қоши-
даги Республика ёш олимлар
кенгашининг қўллаб қўлла-
ри айнан шу мақсадга хиз-
мат қилаётди. Яқинда ташки-
лот "Республика ёш олимла-
рининг инновацион лойиҳа-
лари" грант танловини эълон
қилди. Унда бакалаврият, маг-
истратура ҳамда докторанту-
ра босқичларида таълим ола-
ётган 35 ёшдан ошмаган йи-
гит-қизлар стартап, иннова-
цион ёки амалий лойиҳалари
билан катнашиши мумкин.

Ҳар қайси йўналиш бўйи-
ча уч нафардан фойиб аниқла-
нади. Лойиҳаларни баҳолаш
учун Ёшлар иттифоқининг
Марказий Кенгаши, Иннова-

цион ривожланиш вазирилик,
Фанлар академияси, Интел-
лектуал мулк агентлиги ва бир қатор
олий таълим муассасаларидан
малакали мутахассис-эксперт-
лар жалб қилинган.

— Танловимиз ёшлар-
нинг инновацион фаоллиги-
ни оширишга хизмат қилади
деган умиддаман. — таъкид-
лайди Республика ёш олимлар
кенгаши директори Камолид-
дин Мирзаахмедов. — Илгари
инновацион грантларни фақат
Фан ва технологиялар агентли-
ги тақдим этарди. Биз имкони-
ятлар қўламини кенгайтиришга
қарор қилдик. Ёшлар танлов-
га пухтароқ тайёрланиши учун
худоудларда маҳорат мактаб-
ларини ташкил этяпмиз.

"Республика ёш олимла-
рининг инновацион лойиҳа-
лари" грант танловида иштирок
этишни хоҳлаганлар ҳужжат-
ларини 25 октябргача топшириш
мумкин.

Маъмура ХУЖАКУЛОВА

XORIJDAN MUJDA

Кейинги манзил — БЕРЛИН

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги
Ёш дизайнерлар кенгаши вакилла-
ри илк бор Милан мода ҳафталигида
иштирок этди.



Нуфузли тадбирда юртимиз
модельларининг салоҳияти-
ни "ANOR" модальар уйи ҳамда
"IZY" миллий бренди асосчиси
Зарина Исмаиёрова намойиш
этди. Унинг миллий матолардан
нео-фольклор йўналишида яра-
тилган янги либослар тўплами
халқаро эътирофга эга эксперт-
ларда ёрқин таассурот уйғотди.

— Аксарият ишларда паранжи
деталларидан унумли фойдала-
нилгани мутахассисларда алоҳи-
да қизиқиш уйғотди. — дейди
Ёш дизайнерлар кенгаши раиси
Дилноза Умрзокова. — Ташриф
бахонасида Сербия ва Қозоғи-
стонда ўтказилиши кўтилаётган
мода ҳафталикларини ташкилот-
чилари билан икки томонлама
шартномалар имзоладик. Бундан
ташқари, "IZY" бренди тақдим
этган авангард ва стрит стайл
услубидagi либослар тўплами ев-
ропалик ҳамкасбларимизга жуда
маъқул келди. Келгусида ҳам-
корлик қилиш таклифлари қўриб
чиқилмоқда.

Яна бир хушxabар: Милан-
да ёш дизайнерларимиз Берлин
мода ҳафталигида катнашиши
имкониятини ҳам қўлга киритди.

Мухбиримиз

Ўзбекистон Президентининг ташрифи ХИНДИСТОН МАТБУОТИ НИГОҲИДА



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг
30 сентябрь – 1 октябрь кунлари Хинди-
стонга давлат ташрифи икки томонлама
муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Ташриф доирасида турли соҳаларда икки
мамлакат ҳамкорлиги ривожига хизмат қи-
ладиган муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу тарихий воқеа Хиндистон жамоат-
чилигида катта қизиқиш уйғотиб, оммавий
ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Хиндистоннинг йирик кундалик нашр-
ларидан бири Economic Times газетаси
800 минг нусxada чоп этилди. Бу Wall
Street Journal (АҚШ) газетасидан кейинги
энг йирик иқтисодий нашрдир.

Газетанинг 1 октябрь сони асосан Пре-
зидентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хин-
дистонга давлат ташрифига бағишланган.
Биринчи саҳифада "Ўзбекистон — Хин-
дистон: икки томонлама ҳамкорликнинг
янги саҳифаси" сарлавхали мақола, Пре-
зидент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир На-
рендра Модининг сурати жой олган.

Иккинчи саҳифада тўртта мақола
чоп этилган бўлиб, уларнинг асосийси
"Ўзбекистон — Хиндистон: тараккиёт
йўлида ҳамкорлар" деб номланади. Мате-
риалда икки томонлама муносабатларнинг

ривожланиш жараёнлари тавсифланган,
иқтисодий алоқалар батафсил таҳлил қи-
линган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг "илк давлат ташрифи икки
халқ ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва мада-
ний-гуманитар соҳалардаги муносабатларни
муस्ताҳкамлашга хизмат қилади", деб ёзди
Economic Times газетаси.

"Нима учун Ўзбекистонга сармоя кири-
тиш керак? Очиқлаётган бозор янги ишти-
рокчиларга кенг имкониятлар яратди"
сарлавхали иккинчи мақолада Ўзбекистонда-
ги иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳи-
яти баён этилган ва Президент Шавкат
Мирзиёев ташаббуси билан иқтисодиётни ли-
бераллаштириш борасида олиб борилаётган
ислохотларга юксак баҳо берилган. Матери-
алга илова тарзида жойлаштирилган инфо-
графикада Ўзбекистонга сармоя киритиш аф-
залликларининг асосий омиллари, жумладан,
диверсификация қилинаётган иқтисодиёт,
юртимизнинг Марказий Осиёдаги энг йирик
бозор экани, қўлай географик жойлашуви,
улкан инсоний ва интеллектуал ресурслари,
табiiй захиралари ва сармоядорларга бери-
лаётган имтиёзлар кўрсатилган.

(Давоми 2-саҳифада)

BUGUNNING GAPI

200 марта ўқилса ҳам кам



Китоб — тафаккур қуроли,
ҳазиналар қалғи бўлгани учун
хам халқимиз уни нондай азиз,
муътабар ва муқаддас, деб хи-
соблайди. Китобни чин дилдан
қарлаган Абу Али ибн Сино
оғир бетоб бўлган Бухоро ҳукм-
дори Нух ибн Мансурни даво-
лагач, эвазига олтин кумушлар
тўла сандикни эмас, балки сарой
кутубхонасидан фойдаланиш
имкониятини қўлга киритишни
афзал кўрган эди. Буюк рус шо-
ири Александр Пушкин дузда
яраланиб, вафот этар чоғида
унга: "Дўстларингиз билан ви-
лодашинг", дейишди. Пушкин
хонанинг бир бурчагидаги ки-
тоб жавонига термулиб: "Хайр,
меннинг дўстларим", — дея жон
берган экан.

Ҳақиқатан ҳам, китоб — ин-
соннинг дўсти, билим манбаи,
илм шамчироғи, маънавият
сарчашмаси. Китобни мутолаа
қилиш жараёнининг ўзидеъ
онгимиз юксалиб, дунёқара-
шимиз кенгайиб боради. Уни
такрор ва такрор ўқиш даво-
мида эса, янгидан-янги уфқлар
кашф этамиз, ҳар гал ўзгача
таассуротлар оламиз. Маълум-
отларга караганда, Форобий
Арастунинг "Жон ҳақида"
асарини ўқиб чиққач, унга ўз

қўли билан "Мен бу китобни
икки юз марта ўқидим", де-
ган эътирофини битган экан.
Китоб онг ва қалб эҳтиёжини
қондирувчи омил сифатида
инсон руҳини тарбиялайди,
шахсни шакллантиради. Му-
толаадан мақсад ақл-тафаккур
билан уни мангикий муҳока-
ма этишигина эмас, балки чин
йоракдан завқланиш, таъсир-
ланиш, ўзлик ва ҳақиқатни из-
лаб топиш ҳамдир. Файласуф
Ян Миндан дўсти сўрабди:
"Китоб ўқигандан сўнг ҳеч
нарсга ёлда қолмасан нима
қилмоқ керак?". Мутафак-
кир шундай жавоб берибди:
"Ёллаш шарт эмас, китобни
тушуномок керак. Тушуномок
зарурияти ҳам иккинчи дара-
жали нарсас. Энг аввало, ки-
тобнинг асосий моҳиятини
англамоқ жоиз".

Маҳмуд Қошғарийнинг "Де-
вону луготит турк", Юсуф Хос
Жоҳибнинг "Қутадғу билиг",
Носириддин Рабғузийнинг
"Қиссаи Рабғузий", Алишер
Навоий, Захриддин Мухаммад
Бобурнинг қатор асарларида
китобхонликка онд қимматли
маълумотлар берилган.

(Давоми 2-саҳифада)

TAQDIMOT

Замонамиз қахрамонлари бадий талқинида



Ўзбекистон миллий кутубхо-
насида Қўчқор Норқобилнинг
"Бу ерларда ҳафт бошқача", Иса-
жон Султоннинг "Ҳазрати Хизр
изидан", Лукмон Бўрихоннинг
"Титраётган тош" ҳамда Аб-
дуқаюм Йўлдошевнинг "Осмон
оғуши" номи бадий асарлари
тақдимоти бўлиб ўтди.

Туртала китоб замонамиз
қахрамонлари кнефаси акс эт-
тирилгани билан аҳамиятли-
дир. Бу бўйича Президентимиз
2017 йил 3 август куни иждо-
кор зиёлилар билан учрашуви
чоғида алоҳида топширик бер-

ган эди. Шундай қилиб, дав-
лат бюртмаси асосида махсус
танлов эълон қилиниб, Гафур
Ғулом номидаги нашриёт мат-
баа-ижодий уйи томонидан
муносиб асарлар сараланди ва
чоп этилди.

Тақдимот маросимида улар-
нинг бадий қиймати, ёшлар
тарбиясида тутган ўрни ҳақида
атрофлича сўз юритилди. Юр-
тимизда адабиётга катта эъти-
бор қаратилаётгани мамнуният
билан таъкидланди.

БАБДУЛҲОЛИҚОВ

Ўзбекистон Президентининг ташрифи ХИНДИСТОН МАТБУОТИ НИГОҲИДА

(Бошланиш 1-саҳифада)

“Андижон эркин фармацевтика зонаси бизнес алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади” деб номланган мақолада Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган қулай шароит, хорижий инвесторларга тақдим этилаётган имтиёзлар, Хиндистон билан ўзаро муносабатларнинг ривожига хусусида сўз юритилган.

Газетанинг иккинчи саҳифасида “Uzbekistan Airlines Тошкент-Мумбай тўғрисида-тўғри авиакатновларга тақлиф этиди” сарлавҳали мақолада янги авиакатновлар икки мамлакат ўртасидаги савдо ва туризмни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланади.

Indian Express газетаси ҳам Президентимиз ташрифини кенг ёритган. 1 октябрь сони бош саҳифасининг ярми ва учинчи саҳифаси тўлиқ ушбу давлат ташрифига бағишланган. Мазкур нашр хар куни 495 минг нусхада чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хиндистон Бош вазири Нарендра Модининг сурати ҳамда ташриф жараёналарига оид маълумотларни эълон қилган. “Ўзбекистон — Хиндистон: алоқалар мустаҳкамлашда” сарлавҳали мақола жойлаштирилган.

Материалларда икки томонлама муносабатлар таҳлили, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар сурати, мамлакатнинг Хиндистон сайёҳлари учун жозибadorлиги, маданий алмашувлар ва Ўзбекистонда “Хойчой” номли хинд фильмини суратга олиш жараёналари, Агра ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатилиш масалалари баён этилган. Хусусан, асосий мақолада ташриф доирасида икки томонлама ўнлаб ҳужжатлар имзоланиши кўтиляётгани, Дехлида ўтган Ўзбекистон — Хиндистон бизнес-форуми натижасида ONGC Videsh, Sun Group, Sharda University каби компаниялар Ўзбекистонга сармоя киритишни режалаштираётгани ёзилган. Марказий Осиё билан муносабатларни мустаҳкамлашда Ўзбекистон Хиндистоннинг энг асосий шериги экани кайд этилган.

Хиндистон — Ўзбекистон дўстлик жамияти раҳбари Анил Шастри билан суҳбатда маданий-гуманитар муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Анил Шастри Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хиндистонга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг мустаҳкамлашида янги саҳифа очишига ишонч билдирган.

Шунингдек, The Statesman, The Times of India, Daily News & Analysis, Millennium Post каби газеталар ҳам ташриф воқеаларини кенг ёритган.

Хиндистонда Президентимизнинг давлат ташрифи бағишлаб махсус нашрлар ҳам чоп этилди. Business opportunities of Uzbekistan (Ўзбекистонда бизнес юритиш имкониятлари) деб номланган 70 саҳифали йўриқномада мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, мавжуд инвестициявий имкониятлар баён этилган. Ўн икки бўлимдан иборат нашрда “Нима учун Ўзбекистонга инвестиция киритиш керак?”, “Макро-иқтисодий кўрсаткичлар ва ташқи савдо”, “Инфратузилма”, “Агро-саноат мажмуаси”, “Бозор”, “Экспорт имкониятлари”, “Бизнес юритиш бўйича Жаҳон банки рейтингиди Ўзбекистоннинг ўрни”, “Хорижий инвестицияларнинг кафолати ва ҳимояси”, “Солиқ сиёсати”, “Хорижий инвесторлар учун имтиёзлар ва преференциялар” каби мавзуларда мақолалар берилган. Алоҳида бобда “Ангрэн”, “Ғиждувон”, “Хазорасп”, “Жиззах”, “Кўкон”, “Навойи”, “Наманган”, “Ургут” эркин иқтисодий зоналари ҳамда фармацевтика зоналари ва улардаги истикболли йўналишлар тўғрисида хикоя қилинади.

Хинд тилида нашр қилинган “Ўзбекистон: Ҳаракатлар стратегияси. Жадал ислохотлар” номли китоб Хиндистоннинг йирик Жамия Миллия университети билан ҳамкорликда тайёрланган бўлиб, мазкур университет профессори, ўзбек тили кафедраси муdiri Шаҳид Таслим томонидан хинд тилига таржима қилинган. Ўзбекистондаги “Тараққиёт стратегияси” маркази мақолалари асосида нашр этилган ушбу китобда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларига

шарҳ берилган. Юздан ортик саҳифали китобда бугун юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, таҳлили ва шарҳи берилган.

Business Central Asia журналининг махсус сони Ўзбекистонга бағишланган. Мазкур журнал ҳар ойда 42 минг нусхада чоп этилади ҳамда мамлакатдаги расмий ва бизнес доиралар, дипломатик корпус ва халқаро ваколатхоналарга тарқатилади. Журналнинг махсус сониди муаллиф ва экспертлар Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Нашр, шунингдек, ташқи сиёсат, Ўзбекистон — Хиндистон муносабатлари шарҳи, мамлакатимизнинг туристик салоҳияти, инвестициявий жозибadorлиги оид янгиликларни ҳам ўз ичига олган. Махсус сондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси сессиясидаги нутқи ва Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарига Мурожаатномасига бағишланган мақолалар ҳам ўрин олган.

Хиндистон — МДХ савдо-саноат палатасининг Business Magazine журналининг “Ўзбекистон ва Хиндистон: Савдо ва инвестициялар учун янги имкониятлар” сарлавҳали мақола Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Модининг сурати билан чоп этилган. Нашр икки томонлама иқтисодий муносабатлар, Ўзбекистондаги ўзгаришлар динамикаси, инвестициявий имкониятлар, эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши, фармацевтика соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистоннинг туристик жозибadorлиги каби маълумотларни ўзида акс эттиради.

Visit Uzbekistan махсус нашри Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва маданий салоҳияти ҳамда Хиндистон билан ўзаро ҳамкорлигига бағишланган. Унда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, Ўзбекистон — Хиндистон маданий ҳамкорлигига асосий воқеаларга оид мақолалар, фоторепортажлар ва материаллар чоп этилган.

Хиндистоннинг Микро, кичик ва ўрта бизнес форумининг махсус нашри “Хиндистон — Ўзбекистон бизнес ҳамкорлиги” деб номланган. Унда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар баён этилди. Икки томонлама товар айирбошлаш, Хиндистон бизнесменларининг Ўзбекистондаги фаолияти, фармацевтика, ахборот технологиялари, эркин иқтисодий зоналарга инвестиция киритиш имкониятлари, сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар, логистика, виза тартиботлари тўғрисидаги материаллар рақамлар ва далиллар асосида ёритилган.

Хиндистон саноат конфедерацияси (СН) томонидан чоп этилган Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасидаги бизнес муносабатларга оид махсус нашрида икки томонлама муносабатлар динамикаси, Тошкент ва Дехлида ўтган ҳукуматлараро комиссия йўналишлари, бизнес-форумлар, Хиндистон тadbир-корлари учун яратилган имкониятлар, Ўзбекистондаги бизнес муҳити ҳақида мақолалар, шунингдек, “Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 10 ислохоти” инфографикаси ўрин олган.

СН Communiqué Хиндистон саноат конфедерацияси журналининг сентябрь сониди Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи бағишланган мақолалар эълон қилинган. Жумладан, “Ўзбекистон ва Хиндистон: икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш сари” сарлавҳали мақолада ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар, Ўзбекистон иқтисодиёти, бўлиб ўтган бизнес-форумлар ва ишбилармон доиралар ҳамкорлиги динамикаси каби маълумотлар берилган.

Political events ҳафталик журнали 20-27 сентябрь сонларида Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасидаги алоқалар, Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатига бағишланган кенгайтирилган таҳлилий материалларни бериб борган. Журнал 2000 нусхада чоп этилади ҳамда таҳлилий ва академик марказлар, Хиндистон ҳукумат муассасалари, дипломатик корпусга тарқатилади.

Президентимизнинг давлат ташрифи Хиндистондаги бошқа оммавий ахборот воситаларида, телевидение кўрсатувлари, ижтимоий тармоқларда ҳам кенг ёритилди.

ЎЗА мухбири
Алоудин ҒАФФОРОВ тайёрлади.



Тadbир доирасида Тошкент давлат стоматология институти талабалари вазирилик ҳузурдаги Илғор технологиялар маркази олимлари билан мулоқотда бўлиб, юртимиз соғлиқни сақлаш ти-

Наҳотки шулар рост бўлса?!

Малик СИНДОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тиббиёт соҳасидаги инновациялар бўйича ахборот қунини ўтказди.

хусусан, тиббиёт бригадалари фаолиятини оптималлаштириш ҳамда қалбаки қақирувларни инкор этишга қаратилган.

Зайф эшитувчилар учун тез тиббий ёрдам муассасаси билан боғланиш, шунингдек, оғиз бўшлигининг гигиеник ҳолатини аниқлашга ёрдам берувчи махсус қурilmалар ҳам бўлгуси шифокорларда катта қизиқиш уйғотди. Дарвоқе, сўнгги ишланма тишингизда қарнес ва бошқа касалликлар бор-йўқлигини аниқлаб, уларни кизил рангда белгилаб беради.

Тақдимотлар якунида Инновацион ривожланиш вазирлиги мутахассислари ёшларга “QR-Book” — инновацион кутубхона имкониятларини намойиш қилди.

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

Ш.ЭРКИНОВ

Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси “Ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда Миллий гвардиянинг ўрни” мавзуга бағишланди. Унда Миллий гвардия ҳарбийлари, Темурбеклар мактаби ўқувчилари, журналистлар иштирок этди.

Олмазор ва Чилонзор намуна

Тadbир давомида ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий-маданиятини юксалтириш долзарб масала экани таъкидланиб, декабрда старт оладиган “Конституция тарғиботи ойлиги” доирасида Ёшлар иттифоқи ва Миллий гвардиянинг ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга доир тақлифлар берилди.

— Жамоат тартибини сақлаш ҳамisha устувор вазифа бўлиб қолади, — дейди

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмондони ўринбосари Шуҳрат Шокиров. — Чунки бу жиноятчиликка қарши курашишни илқ босқини. Шу ўринда Олмазор ҳамда Чилонзор туманларида олиб борилган ишларни намуна сифатида келтирган бўлардим. Пировард натижада, ҳар икки ҳудудда жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кескин қайтарилди. Энди мазкур тақрибани республикамиз бўйлаб оммалаштиришни мақсад қилганмиз.

SPORT HAFTALIGI

Ярим соатнинг қудрати

Сожида САПАЕВА

Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Қорақалпоғистонда “Спорт ҳафталиги” ўтказилмоқда. Ташкил этилаётган мусобақаларга ўқувчи ва талаба-ёшлар, шунингдек, вақтинча ишламайдиган тенгдошларимиз жалб қилиняпти.

Иттифок қошидаги Республика ёшлар марказининг ҳудудий бўлими ховлисиди эса, ўнлаб йигит-кизлар жамланиб, ҳар тонгда миллий наволар остида эрталабки бадантарбия машқларини бажаради.



— Менга жуда ёқяпти, — дейди рақотўраги аъзоси Аҳмет Абдикаримов. — Ярим соатлик машғулот кун давомида инсонга тетиклик ва аъло кайфият улашса, албатта, хурсанд бўласан-да. Яқинда марказимизга Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қасимон Куранбаев ҳам келди. Спортта ошнолигимизни кўриб мамнун бўлди. Шаҳсан ўзим ҳафталик давомида ўтказиладиган бошқа беллашувларда фаол иштирок этишни мақсад қилдим.

EKSPOZITSIYA

Ранг-баранг қарашлар

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА

Тошкент Фотосуратлар уйида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Халқ таълими вазирилик, “Sen yolg'iz emassan” жамғармаси ва Бадий академия билан ҳамкорликда “Камалак жилоси” болалар расмлар танловига келган ишларнинг кўргазмаси ташкил этилди.



Ижодий беллашувда Мехрибонлик уйлариининг 1 минг 200 нафар тарбияланувчиси акварель бўёғида чизган суратлари ҳамда амалий санъат асарлари билан қатнашган.

— 13 ёшимдан графика йўналишида ижод қилиб келяпман, — дейди “Табиати асрайлик, болалар!” сурати муаллифи, пойтахтимиздаги 128-Мехрибонлик

уйи тарбияланувчиси Миржаҳон Ҳакимов. — Ҳозирга қадар ўндан ортик танловда иштирок этдим. Хусусан, Италияда ўтказилган кўргазмада 1-ўринни эгалладим. Келажакда архитектор бўлмоқчиман.

Танлов якунида учта совринли ўрин ҳамда ўнга номинация бўйича голиб аниқланиб, муносиб тақдирланди.

200 марта ўқилса ҳам кам

(Бошланиш 1-саҳифада)

Китобхонлик адабиётшунослик ва таълим-тарбиянинг муштарак ҳамда муҳим соҳаси сифатида, шубҳасиз, чуқур изланишларни тақозо этиди. Унинг ривожини адабиётнинг тараққиёти билан боғлаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Тан олиш керак, илм-фан мисли кўрилмаган даражада ривож топган ҳозирги даврда китоб ўқиш ва унга муносабат бир қадар сусайган. Чунки ёшлар кўпроқ кино, телевидение, компьютерга берилиб кетган. Чексиз билимлар моҳияти, асрий сир-синоатлар тилсими ҳозирги даврга келиб башариётга ошкор бўлмоқда. Қадимда китобларни хатотлар минг бир машаққат билан кўчирган бўлса, бугунги кунда техника ютуқлари туфайли улар миллионлаб нусхаларда чоп этилиб, дунё бўйлаб тарқатилмоқда. Бир қарашда бугун китоб ўқиш керак эмас. Бирок тезкор замонда ҳаёт кечираётган одамзод шунчалик шошқалоқ, бетоқат бўлиб қолганки, унинг бир муддат хотиржам тин олишга имконияти, ҳатто хоҳиши йўқдек кўринади. Таажжуб, инсоннинг онги фикрлар, маълумотларга тўла-ю, аммо у фикрлашга лаёқатсиз бўлиб бормоқда. Худди шу каби, кўпчилик учун китобни ўқиб, мағзини қақшидан кўра, сюжетни, моҳияти тўғрисида-

ги қисқагина маълумотларни ўқиш, аниқроғи, кўз юритиш афзал бўлиб қолди.

Китобнинг ҳаётдаги ўрнини ахборот, турли соҳаларга оид керак ва керакисиз маълумотлар эгаллаб олди, натижада инсонлар тинимсиз ахборот қабул қилишга мослашмоқда. Ахборот оқими шу қадар шиддатлики, уни қайта ишлашга, фикр юритишга деярли улғуриб бўлмайди. Бу борада маърифат фидойиларидан бирининг куюнчақлик билан айтган гапини эслайлик: “Билим деб ҳикматдан, ахборот деб маърифатдан айрилди!”.

Аслида исталган ахборот манбаи, айтилик, кино ёки видеофильми оламизми, бадий асар ўрнини босолмайди. Масалан, “Ўтган кунлар” романи асосида ишланган фильм қанчалик маҳорат билан суратга олинган бўлмасин, китобнинг таъсирини, жозибасини беролмайди.

Биз руҳиятимиз, ўз олами-миз, қалбимиз билан қайта тил топишмоқчи эканмиз, китоблар мутолаасига қайтишимиз лозим. Бугунги кунда ҳам ёш авлодни миллий кадриятлар руҳида тарбиялашда китобдан-да қудратлироқ восита йўқ. Зеро, китоб бизнинг маънавий кўшимиз ва тафаккуримизнинг юксак ҳазинасидир.

Отабек ЧОРИЕВ,
Пастдаргом автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори

JAMOATCHILIK NAZORATI

Жорий йилда Наманган вилояти бўйича ўттиздан зиёд аҳоли пункти “Обод қишлоқ” Давлат дастурига киритилди. Жумладан, Янгикўрғон туманининг энг олис ҳудудда жойлашган “Бўстон” маҳалласи ҳам.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ

ЎЗГАРИШЛАР БОР, АММО...

Айни пайтда кайта асфальтланган, тунги чироқлар билан ёритилган олти кўча, янги қурилган гузар, маъмурий бино, спорт мажмуаси, стадион, Ёшлар маркази, намунавий лойиҳадаги уйлар, яқинда фойдаланишга топширилган корхона, тўлиқ таъмирдан чиқарилган оилавий поликлиника ва ҳатто чоррахага ўрнатилган светофор қарийб ярим асрлик тарихга эга қишлоқни атиги икки йилда таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди.

— Илгари шаҳарлик тенгдошларимизга ҳавас қилардик, — дейди 21-умумтаълим мактабининг ёшлар етакчиси Саидолим Нуриллаев. — Энди бундан беш вақтимизни мазмунли ўтказиш учун йигирма чакирим олисдаги туман ёки олтимиш чакирим узокдаги вилоят марказига бориш шарт эмас. Маҳалла гузарига барча шароитлар муҳайё. Йигит-қизлар учун кутубхона, мактабининг шундоқ бикинида эса, Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Замонавий стадион ва спорт мажмуасини айтмайсизми. Киска фурсатда улар юзлаб ёшларнинг сеvimли масканига айланиб улгурди.

Дарҳақиқат, бугун “Бўстон”даги ҳаёт янги аҳолни озу-истаклар билан кайнаб-тошмоқда. Аммо кўзни кувналади ҳам жараёнлар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам мавжуд.

“Бўстон”га БОГЧА КЕРАК!

Маҳаллада 3 минг нафарга яқин аҳоли истикомат қилади. Уларнинг 1 минг 485 нафари ёшлар. Шундан 335 нафари боғча ёшида. Таассуфки, биронтаси ҳам мактабгача таълимга камраб олинмаган.

Тўғри, кўшни “Тулистон” маҳалласида боғча фаолият кўрсатади. Лекин муассаса биноси шу қадар эскирганки, тегсанг тўкиламан, дейди. Учта гуруҳда жами 60 нафар бола тарбияланмоқда. Бу эса, маҳаллада мавжуд контингентнинг 10 фоизини ҳам ташкил қилмайди. “Бўстон” “Обод қишлоқ” Давлат дастурига киритилганига қарамай, боғча муаммоси ҳали-бери ҳал этилганига ўхшамайди.

Яна бир огрикли масала ҳақида тўхталмай иложимиз йўқ. Маҳалла ҳудудда 740 ўрилли 21-умумтаълим мактаби мавжуд. Унда “Бўстон” ва “Тулистон”ликларнинг 1 минг 129 нафар фарзанди тахсил олади. Айни вақтда таълим даргоҳида 216 ўрилли қўшимча бино, яъни саккизта янги синф хонаси қурилмоқда. Ишни 10 октябрга қадар якунига етказиш кўзда тутилган. Аммо шунда ҳам 173 та ўринга эҳтиёж саклиниб қолади. Боз устига, аксарият ўқувчилар мактабга салкам тўрт километр йўл босиб келишга мажбур.

СЕКТОР ПРОКУРОРНИКИ

“Бўстон” маҳалласи туман прокуратурасининг назоратида. Бундан чиқди, у ердаги ижро интизоми ўрнатилган даражада бўлиши керак. Хўш, амалда-чи? Келинг, бу саволга жавобни ёшлар ҳаётидан излаб кўрайлик. Маҳаллада истикомат қилувчи ёшларнинг минг нафардан ортиғи ҳеч қаерда ишламайди. Бирок ҳудуд мутасаддилари уларнинг акалли рўйхатини ҳам шакллантирмаган. Жорий йилда таълим масканларини тамомлаган 52 нафар битирувчи касерда, нима иш билан машғул эканини ҳам ҳеч ким билмайди.

Маҳалла раисининг мазкур ҳолат юзасидан фикри билан қизиқдик. — Ҳокимнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарига ойлик маоши тайин қилиб берилгани учун у

ишга тўлиқ киришгани йўқ, — дейди Абдуфаттоҳ Саидов. — Шунга қарамай, кўпгина йигит-қизларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Оқсоқолнинг айтганича бор. Маҳалла ҳудудда ўн йилдан бундан самарали фаолият кўрсатиб келаётган “Янтекс” тўқимачилик комбинатда 40 нафар, яқиндагина ишга тушган “Бўстонтекстиль” корхонасида эса, 140 нафар хотин-қиз доимий иш билан банд. Ишчилар 700 минг сўмгача ҳақ олади. Иш шароитлари ҳам кўнгулдагидек. Шунга қарамай, корхоналарда меҳнат қилаётганларнинг 15-20 фоизини маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат. Қолганлар кўшни Чортоқ туманининг Алихон, Пешкўрон қишлоқларидан катнайди.

ҚОҒОЗДА ҚОЛАётган МУРОЖААТЛАР

Яшириб нима қилдик, “Бўстон”ликлар маҳалла айнан прокурор секторига қарашли эканидан фохрланиб юради. Бирок, таассуфки, ўша қонун ҳимоячиси бирон марта одамлар билан учрашиб, эмин-эркин гаплашгани, ўй-ташвишлари билан қизиқгани йўқ.

Биз-ку маҳаллага ёшларнинг қайси муаммоси, қай тарзда ҳал этилаётганини билмиш мақсадида қадам ранжида қилдик. Уйма-уй юриб, жорий йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлар билан юзма-юз кўришмоқчи эдик. Аммо маҳалла маъмуриларида битирувчилар рўйхати йўқлиги боис, ниятимиз чиппакака чиқди. Жазони ўташ муассасаларидан қайтган икки нафар фуқарога суд қарори асосида мураббий тайинланганини ҳисобга олмаганда, охириги вақтда биронта ҳам ёшнинг масаласи кўриб чиқилмагани жуда ажаблантирди.

Бундан чиқди, “Бўстон” маҳалласи ёшларида муаммо йўқ. Бўлмаган гап! Масалан, хотин-қизлар рўзгор ишларидан ортолмаслиги оқибатида уларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки нисбатда сўст. Бу ҳам жиддий муаммо ва унга панжа ортидан қараб бўлмайди.

Бошқа бир масалага эътиборингизни қаратсак. Маҳалла фуқароси Махаммадхон Исмоиловнинг кизи ва ўғли бу йили олий ўқув юртига ўқишга кирди. Оила ўзаро кенгашиб, таълим кредити ҳисобига фақат Нилуфарнинг контрактини тўлашга қарор қилди. Бирок...

— Бормаган банким қолмади, — дейди Муҳаммадхон ака. — Сўнги умид билан прокурор қабулига ёзилдим, аммо оstonасидан ўтолмай қайтдим. Жуда алам қиларкан.

Биз сектор бўйича масъул шахс — Сардор Ваққосовга сим қокдик. Шундан сўнг Муҳаммадхон Исмоилов зудлик билан туманга қақиртирилди.

Очиги, қувончли мўжза эшитишга астойдил махтал эдик, лекин “Микрокредитбанк”нинг Янгикўрғон тумани бўлими мутасаддилари шўрлик отани яна алдаб, унга таълим эмас, 14 фоизли бошқа турдаги кредит беришни ваъда қилиб, жўнаиб юборибди. Мана сизга инсон тақдирини эътибор.

Дарвоқе, маҳалладаги фуқароларнинг мурожаатларини қайд этиш дафтари ҳам кўздан кечирдик. Унда ўн тўққизта ёзув бор. Масалан, 7 нафар фуқаро суолтирилган газ баллон, 5 нафари эса, моддий ёрдам сўраган. Ачинарлиси, мурожаатларнинг биронтаси ҳам қаноатлантирилмаган. Сабабини суриштирганда жўли жавоб ололмадик.

Давлатимиз халқни рози қилиш мақсадида шунча ислохотларни амалга ошираётган бир пайтда юқоридagi каби боқибегамлик қайфияти оёғимизга болта уришни аниқ. Демак, бу иллатдан тезроқ қутулиш чорасини кўриш зарур.

Қиёфалар турфа, фақат дил битта

Рохатой КОДИРОВА

Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оиладек ахил-иноқ яшаб келмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз тили, маданияти, урф-одатларини сақлашга ҳамда ривожлантиришга ҳақли. Шукрки, бугун бунинг учун имкониятлар етарли.



Яқинда Ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти кенгаши “Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни” мавзусида семинар ташкил этди. Тадбирда минтақада фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар, диний кан-

фессиялар ва турли миллатга мансуб ёшлар иштирок этди. Улар миллий кадриятларини экспозиция шаклида намойиш этди. Еттига миллий маданий марказ раҳбари ўз маърузалари билан сўзга чиқиб, мавзу юзасидан атрофлича фикр-мулоҳаза юртди.

MULOHAZA

ЎҚИТУВЧИ ЭЪТИҚОДЛИ ШАХС БЎЛИШИ КЕРАК

Махмуд САЪДИЙ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Ўқитувчилик касби ҳақида ўйлаганимда илк устозларим — Хўжаёр Назаров, Бобохол Ҳасанов, Гулҷеҳра Тўниева, Ортиқ Жумаев номларини миннатдорлик билан ёдга оламан.

Урушдан кейинги оғир йиллар эди. Мактабга кўпчилик ҳатто яланг-оёқ борарди. Аксарият ўқитувчилар жангтоҳлардан қайтган, профессионаллик даражаси паст бўлса-да, лекин фидойи, касбини сийқидилдан ардоқлайдиган, виждонли инсонлар эди. Улар бизга бор илмини ўратган.

Ёдимда, олти ёшимда акамга эргашиб мактабга боргандим. Адабиёт муаллими болаларни дарсга қизиқтириш учун Жюль Верннинг “Ун беш ёшли капитан” романини образли хикоя қилиб берди. Кейин эса, энг қизиқ жойида тўхтаб, келгуси дарсда давом эттиришини айтди.

Биз ана шундай жонқуяр устозлардан сабоқ олганмиз.

Афсуски, орада бирмунча муддат ўқитувчининг обрўси тушиб, таълимда оқсадик. “Эр тилаган ерда азиз”, деганларидек бугун ўқитувчи муносабат тубдан ўзгарди. Мактабга эркак ўқитувчилар қайтмапти. Умуман, юртимизда таълим савиясини ошириш учун дадил қадамлар ташланди. Ҳукумат даражасида катта ишлар бошлаб юборилди. Бу қувончли, албатта. Ислохотларни давом эттириш эса, сизу бизга боғлиқ. Бунинг учун ўқитувчи, аввало, ўз касбини пухта

Сурхондарё вилояти Сардорлар кенгашининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳудуддаги умумтаълим мактабларининг илғор ва ташаббускор ўқувчилари ўз лойиҳалари билан иштирок этди.

Наргиза ҚОРАБОЕВА

Сардорлар сайланди

Ёшлар маркази биносидан жамланган йигит-қизлар дастлаб ўқув-семинари машғулотларига жалб этилди. Шу аснода табиий етакчилар саралаб олинди, очик овоз бериш йўли билан сардорликка сайланди. Шу ернинг ўзидан воҳанинг Сардорлар мактабини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

— Мазкур мактабда ёшлар етакчилиги ва нотиклик маҳоратини ошириши, ўзаро фикр ва тажриба алмашиб, янги ташаббуслар билан чиқиши мумкин, — дейди вилоят “Камалак” болалар ташкилоти раиси Матлуба Саҳиева.

Тадбир якунида янги сайланган сардорларга Ёшлар иттифоқининг ишонч ёрлиғи топширилди ҳамда концерт дастури намойиш этилди.

эгаллаши — профессионал бўлиш лозим. Бу — осон эмас! Инсондан кўп меҳнат ва фидойиликни талаб қилади.

Президентимизнинг: “Биз халқдан миллатга айланишимиз керак”, — деган даъвати бор. Миллатга айланиш, фақир эмас, ШАХС бўлиш дегани! Шахс ким? У масъулиятни зиммасига олган, юртини жондан севадиган, ҳимоя қила оладиган инсон. Фақир, ғариб эса, бунинг аси.

Дунёда икки тоифа одам бўлади: бири кун кўради, бошқаси яшайди! Кун кўрайдиганлар шунчаки тирикчилик гамида ўтиб кетади. Яшайдиганлар эса, доим олдинга интилиб, ўзидан кейин яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Демак, кун кўриш билан яшашнинг фарқи катта. Муаллим-мураббийлар ана шундай яшайдиган — Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунаввар қори, Убайдулла Хўжаевга ўхшаган инсонлар бўлиши керак. Ўқитувчи деган шарафли ивон ҳам шуни тақозо қилади.

ESHITDINGIZMI?

Нозима МИЯССАРОВА



Тошкентда янги филиал очилади


Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Бутурроссия кинематография давлат институти (БКДИ) кунлари бўлиб ўтмоқда. Лойиҳага иккала олийгоҳнинг салоҳиятли профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари жалб этилган.

Журналистларга маълум қилинганideк, кинематография соҳасида мадакали кадрларни тайёрлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан Тошкент шаҳрида БКДИ филиали иш бошлайди. Педагоглар жамоасини Россиядаги нуфузли таълим даргоҳининг юқори курслари ва ассистентура-стажировка бўлимида тахсил олган мутахассислардан шакллантириш кўзда тутилган. Айни кунларда россиялик кино-жодкорлар ўзбек талабаларига маҳорат сабоқларини бермоқда. Шу аснода ёшларимиз актёрлик, кинооператорлик,

овоз режиссураси, анимация ҳамда мультимедиа имкониятларидан самарали фойдаланишга доир билимини мукамаллаштира оляпти.

Ташриф 5 октябрга қадар давом этади. Унинг доирасида Бутурроссия давлат кинематография институти билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият вазириликлари, шунингдек, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўртасида ҳамкорлик меморандумларини имзолаш кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси муассислигида “O'zbekiston” деб номланган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журналнинг нишона сони нашрдан чиқди.



ЯНГИ ЖУРНАЛ

МАҚЛБЕКОВА

Унинг тақдимот маросимида қатор вазирлик ва идоралар, олий ўқув юртлири, шунингдек, миллий маданий марказлар вакиллари иштирок этди.

Янги журнал йилда тўрт мартаба ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилади. Илк сонидан юртимизда тинч-тотув яшаётган турли миллат ва элат-

ларнинг урф-одатлари, ижтимоий-сиёсий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар мазмуни очиб берилган. Хусусан, “Юзма-юз” , рукнида АҚШ, Германия, Россия Федерациясида истикомат қилаётган ҳамюртларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан танилиш мумкин.

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Qo'shni oilada yagona farzand. Bir necha yil avval keksa ota-onasini tashlab xorijga ishlashga ketgandi. Eshitishimcha, ularga pul ham jo'natmay qo'yibdi. Qonunchiligimizda ota-onani moddiy ta'minlashdan bo'yin tovlagan shaxslarga qanday javobgarlik ko'zda tutilgan?

Dildora AHMADBOYEVA
Parkent tumani

Savolga huquqshunos Avaz ISKANOV javob beradi:

— O'zbekiston Respublikasi "Ma'muriy javobgarlik to'g'risida"gi kodeksining 475-moddasiga asosan, voyaga yetgan shaxslarning mehnatga layoqatsiz va moddiy yordamga muhtoj bo'lgan ota-onani yoki ularning o'rini bosuvchi shaxslarni moddiy ta'minlashdan bo'yin tovlashi, ya'ni ularni moddiy jihatdan ta'minlash uchun sudning hal qiluv qaroriga binoan undirishi lozim bo'lgan mablag'ni jami bo'lib

ikki oydan ortiq muddat mobaynida to'lamaslik — o'n besh sutka muddatga ma'muriy qamoqqa olishga yoki eng kam ish haqining yigirma baravari miqdorida jarima solishga sabab bo'ladi. Birinchi marta huquqbuzarlik sodir etgan shaxs, agar u ma'muriy huquqbuzarlik to'g'risidagi ishni ko'rish jarayonida alimant majburiyatlari bo'yicha qarzdorlikni ixtiyoriy ravishda to'lagan bo'lsa, javobgarlikdan ozod etiladi.

Och ko'zingni, boq, nechuk ermish ishing —
Ki, javobsiz qolmagay bir qilmishing.

Jaloliddin RUMIY

— Aka, tinchlikmi? — dedi o'smir ahvolimni ko'rib.
— Dovdiraganimdan tilim kalimaga kelmasdi. Zo'rg'a gapirdim:
— Pul... Pulim yo'q!
— Amaki sergaklanib o'rindan turdi. Yonimga keldi.
— Nima bo'ldi, Rustambek?
— Pulim yo'qolibdi!
— Yo'qolibdi?! Qanaqasiga? — dedi amaki hayratini yashirolmay.
— Bilmadim, shu yerda edi, ha shu yerda!
— Ko'pmidi?
— Miqdorini aytdim. Keyin qo'shib qo'ydim.
— Onamning operatsiyasi uchun edi...
— Amaki afsus bilan bosh chayqadi.
— Chakki bo'libdi! Mana, sumkalarimizni qarang! Biz olmadik! Tekshirib ko'rishingiz mumkin!
— Sizlar olganingiz yo'q! Anavi... anavi yigit, — tuyquq miyanga bir nima urildi. — Ismi Furqatmi? O'sha! Tushib ketayotganda kulib qo'ygandi!

Amakiga onam haqida bor gapni aytdim.
— Hammasi tushunarli! — dedi amaki yelkama urib qo'yarkan. — Telefonda gaplashayotganingizda u payt poylagan. Nevaram bilan bekatda tushganingizda siz yana yo'lakka chiqqansiz. Shunda u pulni o'g'irlagan!
— Endi nima qilaman? — dedim battar bo'shashib.

Amaki nevarasiga vagon nazoratchisini boshlab kelishni aytdi. Sal o'tmay, nazoratchi keldi. Bor gapdan xabarot bo'lgach, zudlik bilan chora ko'rishni aytdi.

— Bo'ldi, ko'p siqilmang! Pulingiz topiladi! — deya amaki meni yuqatishga urindi.

O'pkam to'lib turgandi. Yig'lab yubordim.
— O'zingma bo'lsa ham mayli edi, onamga-ku!. Onamning ahvoli nima bo'ladi? Uyga qanday boraman! Singlimga nima deyman?!

— O'zi sizni birinchi ko'rgandayoq yelkangizdan qandaydir og'ir kuch bosib turganini sezgandim. Dovdizgida titroq bor edi. Buning sababi endi tusharli. Dard bergan shifosini ham beradi! Bu bir sinov-da, o'g'lim! Yaratgan suygan bandasiga turli sinovlar yuboradi! Sizga qanchalik og'irligini his qilib turibman! Afg'onda xizmat qilganimda men ham shu ko'yg'a tushgandim. Ota-onam yo'limga intizor. Bu ko'zlarni o'sha yerda qoldirib kelganman! Yuzimdagi chandig'im esa, o'sha do'xaxi olovdan nishona!

Amaki chandig'ini siladi. Uning ko'zi nima uchun ojiz ekanini endi tushandim. Poyezd harakatini sekinlatdi. Ko'p o'tmay, vagonidan tushdik. Nazoratchi meni to'xtatib, ma'muriyatga borishim kerakligini aytdi. Amaki bilan esa, shu yerda xayrlashdik. U meni bag'riga bosib, hali hammasi yaxshi bo'lishini aytib, ko'nglimni ko'tardi.

Yo'lib ayrildi. Vokzaldan chiqqanimda qu-yosh botay deb qolgandim. Ona makonimga yaqinlashar ekanman, yuragim juda tez ura boshladi. Endi yana pul topishim kerak! Faqat bu safar vaqt tig'iz! Uyga kirganimda osbxona tomonda kuymalanayotgan singlimga ko'zim tushdi. U meni ko'rib, quvonib ketdi. Birgalashib onam yotgan xonaga kirdik. Bechora onajonim! O'zib, cho'kib qolibdi. Meni ko'rib, yig'ildi. Bu quvonch yoki qayg'u yoshlarimni anglay olmadim.

— Ha, bolagim-a! O'zingni shunchalik qiy-nash zarurimidi? — dedi onam sochlarimni silarkan. Shu topda o'zimni go'dakdek his qildim. Pinjidan chiqqim kelmasdi.

— Sizlarga og'irligim tushdi. Ayniqsa, singlimga! "Kasal emas, kasal boqqan kasal!" — deydi. Shukur, ancha yaxshiman!

— Aka, pul topganingizdan xursandman! — dedi singlim menga cho'qiyib uzatarkan.

Hayron bo'lib onamga boqdim. U yuzimni o'zgin, qadoq qo'llari bilan silab dedi:

— Boya bir kishi kelgandi. "Rustambekka pulni o'zim uyingizga olib borib beraman devdim! Uzi, kech qoldim. Rustambekka aytganman pulni qaytarishga ovora bo'lmasin, bu ikkimizning o'rtamizdagi gap, — dedi.

Ana, stol ustida turibdi! Singlimning aytishicha, davolanishimga yetarmish. Kim edi u? Singlim tanimabdi! O'trog'ing desam, ancha katta kishi ekan! Keyin oralaringda qanday gap bor, o'g'lim?

Tomog'imga bir nima qadaldi. Stol ustida turgan pulga qarab, bu saxiy inson poyezddagi hamrohim ekanini angladim.

— O'g'lim, jimib qolding? Tinchlikmi, o'zi?

— Ha, onajon, tinchlik! Hech xavotir olmag! Bu pullar — halo! Egasi kabi halo!

— Ishqilib, ertaga mashmashasi chiqmaydimi? Singlim uni ko'r bo'lsa kerak, yana yuzida tirtig'iyam bor, degandi.

— Tashvishlanmag, onajon! Ana endi hammasi yaxshi bo'ladi!


Onamning quchoq'idan chiqqim kelmas, xayollar meni olis sarhadlar tomon eltgandi.

KITOB JAVONINGIZGA

Taqdiri azalning
boqiy portreti

Zebo MURODOVA

Ba'zan orzularimizdan osongina voz kechamiz. "Peshonada bori shu", — deya aybni taqdirga yuklab qo'yamiz. Ammo taqdirning o'zi nima?



Paulo Koeloning mashhur "Alkimyogar" asarini o'qish jarayonida shu savolga javob izlaysan, kishi. Muallif taqdirga quyidagicha ta'rif beradi: "Bu — hayotimizning oliy mohiyati — ro'yi zaminda umrguzaronligimiz uchun Tangri tayyorlab qo'ygan YO'L. Biroq eng muqaddas orzular istiqbol uchun ana shu Yo'ldan borishga jur'at topish hammasi ham nasib qilavermaydi".

Darhaqiqat, inson o'z taqdirini ro'yobga chiqarish uchun dunyoga keladi. "Alkimyogar"da yozilishicha, yoshlik chog'ida odamlar orzu qilishdan qo'rqmaydi, istaklarini ro'yobga chiqarishga intiladi. Ammo vaqt kelib allaqanday sirli bir kuch ularni taqdir izmidan borish imkonsiz

ekaniga ishonтира boshlaydi. Nega?

Gap shundaki, go'daklikda bizga katta maqsadlarga erishish juda qiyin, deya uqtiriladi. Natijada ko'rquv hissi paydo bo'lib, istaklarimiz qalb tubiga ko'milib boradi. Lekin kun kelib qalbimiz muhabbat uyg'onishi ham mumkin. U bizni olg'a intilishga chorlaydi. Shunday qudratli kuch bor ekan, hayot to'siqlarini yengish hech gap emas. Lekin hamma ham buning uddasidan chiqavermaydi. Kurashishni istamay, "Och qorim tinch qulog'im", deya taslim bo'lguvchilar ham bor. Orzu-umidlarimiz ro'yobga chiqmasligining boisi ham shu.

Cho'pon yigit Santyago "o'z taqdirim" tushunchasini anglash uchun ko'p sarguzashtlarni boshidan kechirdi. Unga qo'shilib o'quvchi ham hayotining mazmunini qidiradi. Biroq turli sabablar bilan to'g'ri yo'ldan chalg'iydi. "Biz ichki ovozimizni eshitishni bilmaymiz. Agar uni eshita olganimizda edi, barcha muammolarimiz o'z yechimini topgan bo'lardi. Chunki ichki ovozimiz bizga eng to'g'risini aytadi", — degan edi mashhur ruhshunos Randi Noyes. Chunonchi, qalb hech qachon adashmaydi va adashtirmaydi. Bu aniq.

Yer yuzidagi har inson anglashi zarur bo'lgan oliy haqiqat bor: biron nimani astoydil istasang, unga, albatta, erishasan. Zotan, bu istak olamning ruhida dunyoga kelgan bo'ladi. Aslida barchamiz shuning uchun yaratilganmiz. "Alkimyogar" romani syujetini qizil ip yanglig' kesib o'tgan ushbu fikr faqat kimdadir emas, balki biz va bizdan keyingi avlodlarga birday taalluqli. Asar dunyoning 120 mamlakatida sevib mutolaa qilinishining boisi shudir, ehtimol. Undan siz ham bahramand bo'ling, tengdoshim.

SABOQ

Ibratli
javob

Bir podshoga: "Atrofingizdagi-lar mansabparast bo'lib ketgan, ularga ishonch yo'q. Hammasini almashtirib, o'rniga hali hokimiyatga chiqib aynimagan, ishonchli odamlarni qo'ying", — deb maslahat berishibdi. Hukmdor biron o'ylanib javob beribdi: "Yaqinda bozorga borgandim. Bir burchakda ust-boshiga behisob pashshalar qo'ngan tilanchiga ko'zim tushdi. Unga rahmim kelib, pashshalarni quva boshladim. Tilanchi esa: "Ey, marhamatim! Nega unday qildingiz? Ustimdagi pashshalar obdon to'yib bo'lgan va hozir shunchaki mehmon bo'lib o'tiribdi. Endi ularning o'rniga och pashshalar uchib kelib, meni yana talaydi", — dedi. Xuddi shu kabi men yangidan tayinlaydigan mulozimlar ham, avvalo, nafsini qondirishga tushmasmikan?"

(Abdulla Rustamovning "Hikmatli dunyo" kitobidan olindi).

HIKMAT

G'azabning avvali jinnilik, oxiri nadomatdir.

Abdulla AVLONiy

HURKIMTAYIN BAXT QUSHIN YELKANGGA QO'NGAN ZAMON,
HOVUCHINGDA BER UNGA O'Z VAQTIDA SUV VA DON.



She'r-tasvir muallifi: Jahongir MIRZO.

Poyezd yo'lga tushdi. Qo'limda katta sumka va portfel bilan bir amallab vagonga chiqdim. To'rt kishilik kupening o'ng tomonida ko'zoynak taqqan, hassa tutgan, ellik-oltmish yoshlar atrofidagi, o'rta bo'y, qotmadan kelgan, o'ng yuzida chandig'i bor kishi yonidagi o'smirga nimalarnidir gapirar, ularning qarshisida esa, o'zim tengi yigit telefonini titkilab o'tirardi. O'rtadagi stolda ancha-muncha narsalar bor edi. Yigit menga bir qarab qo'ydiyu, yana telefoniga andarmon bo'ldi. Salom berib, ichkariga qadam qo'ydim. Ko'zoynakli kishi ovoz kelgan tomonga alanglab qaradi-da, alik oldi. Uning bu harakatidan ko'zi ojizligini angladim. Narsalarimni joylashtirib bo'lgach, yuqoridagi joyga cho'zildim.

Qattiq charchagandim. Ko'zim yumilib ketay derdi. Ammo uxlay olmasdim. Ko'nglimni xavotir, qo'rquv hislari chulg'ab olgandi. Tez-roq uyimga, bemor yotgan onamning huzuriga borishni istardim. "Ulgura olarmikanman?" degan o'y menga sira tinchlik bermasdi.

Bir muddat shu alfozda yotdim. Vagon nazoratchisi kirib kelgandagina o'nimdan turdim.

Nazoratchi chiqib ketgach, boyagi ko'zi ojiz meni dasturxoniga taklif qildi.

— Rahmat. Bemalol o'tiraveringlar.

— Kelaqolsangiz-chi, — dedi ro'parasidagi yigit nonni sindirib. Aftidan, u juda ephilga o'xshardi.

— To'g'ri, keling, birgalashib choy ichamiz, — qo'shib qo'ydi amaki. — Yo'l uzoq bo'lsa, guring-lashib ketamiz-da!

— Boboyga gap yo'q! "Voobshe" zo'r! — bosh barmog'ini yuqoriga ko'tarib dedi yigit. — Maniyam "banket"ga tortildilar. "Koroche", buni "banket" deb ataymiz! A?

Amaki yengil kulib qo'ydi. O'yilashimcha, yigitning almayi-jalmoyi gaplari unga yoqmayotgandi.

— Gap dasturxonida emas, qadr-e'tiborda! Keksaning shashtini qaytarmay deb dasturxon atrofiga o'tirdim. Stol ustidagi nondan bir bo'lak sindirdim.

— Isingiz nima, o'g'lim? — dedi amaki choydan ko'plarkan.

— Rustam.

— Bizniki Furqat! — bir bosh charos uzumni qo'lga olganicha, cho'qilab-cho'qilab gapga aralashdi hamrohimiz. — Bolalar "Fedya" deb chaqiradi. Ko'nikkanman.

— O'qiyisizmi? — so'radi amaki piyolasini stolga qo'yarkan.

— Ha, Milliyda.

— O'qigan yaxshi. Uyga qaytapsizmi?

Horg'in bosh iring'adim. Onam haqida o'ylab yana yuragim ezildi.

— Biz ham uyga ketyapmiz, — deb tepaga chiqib yotgan bolani ko'rsatdi amaki. — Toshkentda o'rancha o'g'lim yashaydi. "Keling, konsertga olib tushay, dam olib ketasiz!", — dedi. To'ng'ich nevaram bilan kelib, ancha ko'ngil yozib ketyapman.

Dizayner

Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich

Navbatchi

Hasan Usmonov

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

QR

QR

QR

QR

QR

QR

QR

QR

QR

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1036
Adadi — 11583

Bosilishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 20.55

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5 6